# АСАР ҚИЗҒИН КУТИБ ОЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тақдимот маросимида сўзга чиққан АҚШ Миллий матбуот клуби вице-президенти Питер Хикман яқинда Ўзбекистонда бўлгани, референдумда халқаро кузатувчи сифатида иштирок этганини айтар экан, Ўзбекистоннинг кўпмиллатлилиги, замонавийлиги, буюк тарихи ва келажаги бир-бирига уйғун ва мос келишига алоҳида эътибор қаратди. Ўзбекистон тараққиётнинг улкан иқтисодий, маънавий ва илмий салоҳиятига эга. Ва шу туфайли республика раҳбарияти олиб бораётган сиёсат ҳамда ўзбек халқининг интилишлари самараси ўлароқ барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

— Л. Левитин ўз китобида давлатни ислоҳ қилиш жараёнлари муайян вақтни талаб этишига алоҳида эътибор қаратган. Ва бу ҳамма учун кундай аниқ-равшан бўлган ҳақиқатдир. — Йел университети Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлари дастурининг директори Марта Блэкскол ўз сўзини ана шундай бошлади. — Ўзбекистонни бирон марта ўз кўзи билан бориб кўрмаган айрим ғарблик журналистлар гўё мамлакатда ислоҳотлар жуда ҳам секинлик билан бормоқда, деб ёзишади. Лекин улар мамлакатни ислоҳ қилишда тезлик эмас, балки унинг сифати энг муҳим омил эканлигини ҳисобга олишмайди. Шунчаки натижага эмас, балки ижобий натижага эришиш муҳимдир. Ўзбекистон ҳукумати ана шунга интилади. Мен Ўзбекистоннинг бугунги кунда демократия ва эркин бозор иқтисодиёти йўлидан ишонч билан бораётганига мутлақо шубҳа қилмайман.

«Жаҳон» АА мухбирлари тақдимот маросими қатнашчиларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдилар.

**Жон БАЙЭРЛИ, Миллий мудофаа университетининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича профессори:**

— Бир йил бурун АҚШ Давлат департаментининг МДҲ мамлакатлари бўйича махсус мувофиқлаштирувчиси сифатида Тошкентга борганимда, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан учрашган ва биз ўшандаёқ хавфсизлик соҳасида анча яқин ҳамкорлик зарурлиги ҳақида ягона фикрга келган эдик. Менингча, айни пайтда ана шундай ҳамкорлик ўрнатилди ва у кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда.

Турли халқаро террорчи ташкилотлар Ўзбекистонга узоқ вақт давомида хавф-хатар солиб турди. Бахтимизга биз ҳозир ғайриинсонийликнинг бундай кўринишларини йўқ қилиб ташлаш борасида икки томонлама ва қатъий интилишларга эгамиз. Келгуси ҳафта ичида Ўзбекистон Президентининг АҚШга ташриф буюриши ва бизнинг Президентимиз билан учрашиши ҳақидаги хабар менга мамнуният бахш этди. Бу АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик бунда-да мустаҳкамланишининг ёркин ифодасидир.

**Давид ЙСБИ, мудофаа ва ташқи ишлар масалалари бўйича консультант, Афғонистон бўйича қатор китоблар муаллифи:**

— Ўз фаолиятим тақозосига кўра, мен Афғонистон масалалари билан шуғулланаман, бироқ бу мамлакат муаммоларини ҳал этишда Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни ҳақида сўзламаслигим мумкин эмас. Мамлакатларимизнинг халқаро терроризм билан курашга йўналтирилган биргаликдаги саъй-ҳаракатлари янада кенг ҳамкорлик эшикларини очди. Бундай муносабат ҳар икки томон учун фойдалидир. АҚШ ҳукумати халқаро терроризмга қарши кураш ва гиёҳванд моддалар тарқалишига йўл қўймаслик учун Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизлик сақланиши муҳимлигини англаб етди. Бу ҳамкорлик тобора кенгайиб, халқаро тараққиёт ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш омилига айланиши шубҳасиз.

**Элли КРАКОВСКИ, АҚШ ташқи сиёсат институти катта илмий ходими, сиёсатшунослик доктори:**

— АҚШ ва Ўзбекистон ҳамкорлиги халқаро терроризм билан курашда муҳим аҳамият касб этди. Мен кўп жиҳатдан бунга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ўз нуқтаи назари боис эришилди, деб ҳисоблайман. Терроризм билан биргаликдаги курашда Ўзбекистоннинг фаол иштироки нафақат АҚШ маъмурияти, балки оддий америкаликлар томонидан ҳам мамнуният билан кутиб олинди. Бизнинг ўзаро ҳамкорлигимиз бундан кейин янада кенгайишига умид қиламан.

**Жонатан ЭЛКАЙНД, Мэриленд университети профессори:**

— Менинг фикримча, ўтган йилги 11 сентябрь воқеаларидан сўнг халқаро ҳамжамият учун терроризм билан курашда Ўзбекистон ролининг муҳимлиги, айниқса, равшан бўлиб қолди. Бизнинг мамлакатларимиз хавфсизлик соҳасида яқин ҳамкор эканликларини намойиш қилдилар. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳиссасига нафақат Марказий Осиё, балки глобал миқёсда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш юзасидан масъулиятли миссия тушган. Умид қиламанки, АҚШ ҳукумати бундан кейин ҳам Ўзбекистон билан ўзаро яқинликда иш олиб боради. Бу эса жаҳон иқтисодиёти майдонида Ўзбекистоннинг ўз ўрнини топишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Профессор Л. Левитиннинг «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» китобининг Вашингтонда бўлган тақдимоти, бу хусусда билдирилган фикр-мулоҳазалар Америка жамоатчилиги Ўзбекистон ва Марказий Осиё тарихи, маданияти ва бугунги ҳаётига катта қизиқиш билан қараётганлигини яна бир карра тасдиқлади.

**Аброр ҒУЛОМОВ,**
**Баҳодир МАМАЖОНОВ,**
**«Жаҳон» АА махсус мухбирлари.**
**Вашингтон шаҳри.**

# ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Тошкент Давлат юридик институтида "Ўзбекистон Республикаси Парламенти: бугун ва истиқбол" мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман бўлди. Унда ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, халқаро ва нодавлат ташкилотлар ҳамда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманни Тошкент Давлат юридик институти ректори, юридик фанлар доктори М.Рустамбоев очди.

Тадбирда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори, юридик фанлар доктори А.Саидов, Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори, юридик фанлар номзоди А.Турсунов, Япониянинг Нагоя университети юридик факультети профессори Кацуя Ишихасининг маърузалари тингланди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилаётгани, хусусан, бу борада жорий йилнинг 27 январида ўтказилган референдум муҳим рол ўйнашини таъкидладилар. Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг ташкил этилиши билан боғлиқ масалаларга алоҳида тўхталган маърузачилар мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш йўлида икки палатали парламент тизими яратилишининг аҳамияти, давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни, бу борадаги жаҳон тажрибасини қиёсий ўрганиш борасида сўз юритиб, парламент ислоҳоти демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг муҳим босқичи эканига эътибор қаратди.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**



## Нуробод яйловларида баҳор кезмоқда

Қиш ортда қолди, кўклам бошланди. Бундан, айниқса, Нуробод туманидаги «Каттақўрғон» ширкат хўжалиги чорвадорлари мамнун. Чунки қишловдан соғлом чиққан қўйларнинг оғзи кўкка тегди. Бу эса қўзилатиш мавсумини муваффақиятли ўтказишда муҳим аҳамиятга эга.

— Отаримизда 722 бош қўй, шу жумладан, 500 бош совлиқ мавжуд, — дейди бош чўпон Қўчқор Ниёзов. — Бу йилги мавсумда ҳар юз бош она қўйдан 110 тадан қўзи олиш, унинг 80 фоизини ўстиришга қолдиришга аҳд қилганмиз. Ана шу ишларни амалга оширишда ёрдамчим Омон Хушматов менга катта ёрдам бермоқда.

**СУРАТДА: бош чўпон ёрдамчиси Омон Хушматов яйловда.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

*8 март — Хотин-қизлар куни*

## Аёл ва жамият

БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонасида Хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда мазкур ташкилотнинг ихтисослашган муассаса ва агентликлари, халқаро ва нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Учрашувда мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ривожланиши жараёнида хотин-қизларнинг ўрни, уларнинг тадбиркор ва ишлаб чиқарувчи сифатида фаолият кўрсатиш имкониятлари, турмуш даражасини яхшилаш, жамиятда аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Тадбир доирасида "Ўзбекистон хотин-қизлари ва эркаклари" статистик тўпламининг тақдимоти бўлди. Ушбу тўплам Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги давлат департаменти, Хотин-қизлар қўмитаси, Ишбилармон аёллар уюшмаси мутахассислари иштирокида тайёрланган.

Тўпламни тайёрлашда давлат статистикаси ва идоралар статистикаси, уй-рўзғор хўжалиги бўйича тадқиқот материаллари ҳамда нодавлат ташкилотларнинг гендер муаммоларига бағишланган изланишларидан фойдаланилган.

Анжуманда Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова, БМТнинг мамлакатимиздаги доимий вакили Ричард Конрой сўзга чиқди.

**Замон ЭШОНҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЯНГИ ДАВР РАҲБАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

кўришнинг энг адолатли воситасидир. Газетада ўқигандим. Бир мамлакатнинг янги тайинланган вазири ДАНдан кўп шикоят тушавергач, ўзи ҳам ҳайдовчи, ҳам деҳқон қиёфасида юк ташувчи машинага ўтириб минг километрдан зиёд йўл босибди. Ва ҳақиқий аҳволни ўз кўзи билан кўрибди. Бугунги раҳбар ўзи бошчилик қилаётган соҳа ёки ҳудудда ана шундай воситалардан ҳам фойдаланиб турса, фойдадан холи бўлмайди. Ҳоким бозорни кўрса, кўп нарсани англайди. Бирор мамлакат фуқароларининг қандай яшаётганини билмоқчи бўлсанг, унинг бозорини бориб кўр, деган гап бежизга айтилмаган.

Совет даврида ўттиз беш-қирқ ёшли қаламкаш ёш ижодкор саналарди. Аксарият шоир ва ёзувчиларимизнинг илк китоблари ўттиз ёшдан кейин чиққан. Раҳбарлик лавозимини-ку қўяверинг. У 30-40 ёшгача «комсомол» ҳисобланарди. Бугун-чи? Бугун уларни парламентда ҳам, ижроия ва суд-ҳуқуқ органларининг масъул лавозимларида ҳам хоҳлаганча учратамиз. Президент бугун ёшларга ишонаяпти, ёшларга умид кўзи билан қараяпти. Ёшлар бугун ўтмиш ва келажак ўртасидаги ишончли ва умидли кўприк вазифасини ўташи керак. Президент раҳбарлик лавозимига қўйиш «энг оғир ва ғоят масъулиятли вазифа» эканини таъкидлаш билан бирга «замонавий билимларга эга бўлган, мустақил фикрли янги авлод кучга кириши, вояга етиши билан бу масалани ечими нисбатан осон бўлиши»га ҳам қаттиқ ишонади.

Янги давр раҳбардан фидойиликни талаб қилади. Раҳбар бугун кўзгу бўлиши, ёниши, ёндириши керак. Юрт ва халқ манфаатларини нафси ва шахсий манфаатларидан баланд тута олиши лозим. Зеро, раҳбарни адаштирадиган, тўғри йўлдан чалғитадиган восита ҳам ана шу. Нафсига ғолиблик қила оладиган раҳбар фидойи бўлади. Раҳбарлик — бойлик орттириш воситаси эмас. Раҳбар фақат ўзини эмас, ўзгаларнинг ҳам бойишини исташи керак. Ана шундагина, Юртбошимиз айтганларидай, **ундан одамлар рози бўлади, меҳрибонлик, ғамхўрлик ва бағрикенглик фазилатлари намоён бўлади.**

Янги давр раҳбари **«керак бўлса, шу йўлда жонини ҳам фидо этишга тайёр туриши даркор»**. Бугунги раҳбарга қўйилаётган энг юксак талаб ана шундай.

**Исмат ХУДОЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ислоҳотларни жадаллаштириш – давр талаби

(Давоми. Боши 1-бетда).

экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш, хорижий сармояларни кенг жалб этиш борасидаги ижобий ишлар билан бир қаторда соҳада йўл қўйилган камчиликлар таҳлил этилди. Бу борада сусткашликка йўл қўяётган мутасаддилар кескин танқид остига олинди.

Қайд этилганидек, ўтган даврда қишлоқ хўжалигида белгиланган 86 та ўрнига 112 та хўжалик ширкатга айлантирилган, қисқартирилган ишчи-ходимлар иш билан таъминланган. Пахта экиладиган майдонларнинг 99 фоизи, ғаллазорларнинг 93 фоизи, сабзавот майдонларининг 100 фоизи оилавий пудратчиларга шартнома асосида бириктириб берилган. Ўтган йили 1 миллион 452 минг гектар майдонга пахта экилиб, ҳосилдорлик гектаридан 22,5 центнерни ташкил этган. Давлатга 3 миллион 270,1 минг тонна пахта сотилган. Республика бўйича 3 миллион 279,8 минг тонна дон етиштирилиб, унинг икки миллион тоннадан кўпроғи давлатга топширилган. Ҳосилдорлик ўртача 30,2 центнерни ташкил этган.

Айтиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 декабрдаги 516-қарорига биноан зарар билан ишлаётган 52 та хўжалик фермер хўжалигига айлантирилди. Уларнинг негизида 3 минг 428 та фермер хўжалиги ташкил этилиб, 138 минг гектар ер ажратиб берилди.

Шунингдек, йиғилишда тизим ташкилот ва корхоналари томонидан 2001 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, акциядорлик жамиятлари томонидан акция ресурсларини сотиш, қишлоқ хўжалигида агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш, аҳолини чорва маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича олиб борилган ишлар талаб даражасида эмаслигига эътибор қаратилди.

**(ЎзА).**

(Давоми. Боши 1-бетда).



# ЗИРОАТ уруғчиликдан бошланади

Бу корпорациянинг таъсисчилари — тумандаги бешта хўжаликка катта имтиёзлар берилди. Улар ер солиғи, сув солиғидан озод қилинди. Йиллик режа бажарилмаган тақдирда ҳам, қўшимча маҳсулотларни олишга имтиёзлар яратилди. Унинг таркибида пахтани қайта ишлайдиган корхона ҳам бунёд этила бошланди. Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, рақобатни кучайтирган ҳолда, вилоятдаги хўжаликларга сара, тезпишар, эртаки, толаси пишиқ, жаҳон андозаларига мос пахта навларини етказиб бериш корпорация зиммасига юклатилди. Бироқ бу корпорация ҳам ишончни тўлиқ оқлай олмади. Корхона ташкил этилгандан бери туманда пахта тайёрлаш режаси бирор марта уддаланмагани бунинг исботидир. Бўлмаса, ҳар йили мавжуд хўжаликлар шу корпорацияда тайёрланган уруғликни экишади. Ўтган йили ҳам Азизов номли, F.Ғулом номли, «Пахтақайнар» очиқ турдаги акционерлик жамиятларида режа 82-84 фоиз уддаланди, холос. Ҳосилдорлик эса 22-24 центнердан ошмади!

Шундай бўлса-да, корпорация ҳамон фаолият кўрсатаяпти. Ҳали ҳам унда давлатдан узоқ муддатга кредит олиб, чет элдан янги технологиялар олиб келиш, уруғликни жаҳон стандартлари даражасига етказиб, қайта ишлаш учун асбоб-ускуналар сотиб олишга бериладиган имтиёзлар сақланиб қолган. Лекин натижа, юқорида айтилганидек, деярли сезилмаётир.

### Ечимни қаердан излаш керак?

Сир эмас, уруғлик тайёрлаш технологияси бузилаётганлигини деҳқондан тортиб мутахассис-олимгача яхши билади. Шу боис яқинда вилоят уруғчилик-назорат маркази Андижон вилоятидан келтирилган 300 тонна «АН-402» навли пахта чигитини қайтариб юборди. Чунки бу уруғлик ҳужжатларда иккинчи навли чигит, деб қайд этилган бўлса-да, текширишлар учинчи навга тааллуқли эканлигини кўрсатди. Бунинг устига, унувчанлиги ҳам белгиланган миқдордан анча кам. Шунингдек, марказ мутахассислари Қува ва Олтиариқ пахтани қайта ишлаш корхоналарида туксизлантирилган 10 тонна уруғликни ҳам яроқсиз, деб топишди. Негаки, бу чигитлар туксизлантирилаётганда механик шикастланиш даражаси белгиланганидан анча кўпайиб кетган экан.

— Азалдан уруғлик навлар алоҳида тайёрланган, минерал ва моддий ўғитларга тўйинтирилган, — дейди вилоят уруғчилик-назорат маркази раҳбари Ўрайимжон Аминжонов. — Таассуфки, сўнгги йилларда шу оддий ҳақиқат унутилмоқда. Бу эса нав, насл тозалигини таъминламаяпти. Уруғлик учун ажратилган майдонларга оддий ерларга нисбатан кўпроқ маҳаллий, минерал ўғитлар берилади. Калий, фосфор аралашмаларига кўпроқ эътибор қаратилади. Шундагина ўсимликнинг илдизи бақувват, пояси кучли бўлади. Ўз-ўзидан чигит ҳам тўқ, сифатли бўлиб етилади.

Ҳақиқатан ҳам, республика ҳукумати томонидан бевосита бу соҳага катта эътибор қаратилгани туфайли сўнгги икки йил ичида уруғлик пахтага тўланадиган даромад беш баравар кўпайди. Бошқача қилиб айтганда, ҳозир элита уруғлик пахта етиштирган хўжаликлар давлатга топширган маҳсулот учун тенгма-тенг қўшимча ҳақ олишади. Масалан, Қува туманидаги ал-Фарғоний номли ширкат хўжалиги ўтган йили истиқболли «С-2609» пахта навини экиб, ўртача 42 центнердан ҳосил кўтарди. 550 тонна уруғлик жамғарилди. Бу эса хўжаликка 15 миллион сўм қўшимча даромад олиб келди. Олтиариқ туманидаги «Полосон» жамоа хўжалигида эса 1672 тонна уруғлик тайёрланиб, унинг хазинасига 38 миллион қўшимча даромад тушди.

### Икки хил манзара

Вилоятдаги барча хўжаликларда уруғчилик масаласига давлат манфаати нуқтаи назаридан қаралаяпти, деб бўлмайди. Бир пайтлар Бешариқ туманидаги «Рапқон» жамоа хўжалиги вилоятдаги энг намунали, уруғлик етказиб берувчи хўжаликлардан бири ҳисобланарди. Шу сабабли ҳам, «С-4910» пахта навини етиштириш, уруғликни бошқа хўжаликларга кўпайтириб бериш рапқонликлар зиммасига юклатилган эди. Афсуски, бу вазифа эндиликда уддаланмаяпти. Уруғликка ажратилган майдонлардаги ҳосил тамоман ҳашаротга едириб қўйилди. Режа зўр-базўр бажарилди. Кечки ғўзадан олинган уруғлик эса яроқсиз, деб топилди. Оқибатда тендер комиссияси ҳақли равишда хўжаликни уруғлик етиштириш гувоҳномасидан маҳрум қилди.

Эътиборлиси, шу хўжалик билан ёнма-ён жойлашган, бир ариқдан сув ичадиган деярли битта қишлоқда жойлашган «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида «С-2609» пахта навидан тайёрланган 1400 тонна уруғлик чигитдан 40 миллион сўм қўшимча даромад қўлга киритилди.

Бу йил вилоятда салкам 51 минг гектар майдонга «С-2609» навини экиш режалаштирилган. Бу навнинг толаси жаҳон тўқимачилик саноати талабига мос. Қурғоқчилик, касалликка чидамли. Ўртапишар, толаси асосан 5-тип. Ўтган йили Учкўприк туманидаги «Учкўприк» жамоа хўжалигида 890 гектар майдонга экилган пахтадан асосан 4-тип толали маҳсулот олинди. Қўқон шаҳридаги 2-пахтани қайта ишлаш корхонаси мутахассисларининг айтишича, шу хўжаликдан келтирилган тола қайта ишланиб, Италия, Жанубий Корея мамлакатларига жўнатилганда, улардан яна шу толадан юбориш ҳақида буюртмалар келган.

Шу билан бирга, бу йил вилоят бўйича асосан 6 та асосий, 6 та истиқболли нав экиш мўлжалланаяпти. 26 минг гектар ерга эса «АН-402» навли уруғ ташланади. Лекин илдизи бақувват, бошқа нав пахталарга нисбатан деярли икки марта кам сув ичадиган бу пахта нави ҳақида мутахассисларнинг хулосалари ҳар хил.

— «АН-402» нави водий шароитига анча мос, аммо унинг толаси узунлиги унча яхши эмас. Шу жиҳатдан икки-уч йилдан кейин унинг тақдири ҳам «Фарғона-3» навининг тақдирига ўхшаб кетиши мумкин, — дейди республика пахтачилик илмий-текшириш институти Фарғона филиали раҳбари Назиржон Ўразматов.

Олимнинг куйинганича бор. Бувайда туманидаги Амир Темур номли жамоа хўжалигида ўтган йили 400 гектар майдонга шу навдан экилиб, 40,2 центнердан ҳосил олинди. Лекин шу хўжалик билан ёнма-ён деҳқончилик қилган «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигида ҳосилдорлик атиги 19 центнерни ташкил этди. Бирор навни минтақалаштиришдан аввал деҳқонлар билан бамаслаҳат иш тутиш афзал кўринади.

### Деҳқон фикри

Ўтган йили Ёзёвон туманидаги «Қатортол» жамоа хўжалигининг бош ҳосилоти Адҳам Яхшибоев «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» унвонига сазовор бўлди. Салкам ўн беш йилдан бери битта хўжаликда, бир лавозимда ишлаб келаётган бу тажрибали деҳқон асосан уруғчилик борасида эришган ютуқлари учун эъзозланди. Ёзёвонда «Яхшибоев уруғчилик борасида отасини ҳам танимайди», деган гап юради. Шу талабчан деҳқоннинг саъй-ҳаракати туфайли хўжалик муттасил нафақат туманда, балки вилоятда биринчилардан бўлиб шартнома режаларини уддалаб келаяпти. Олимлар, мутахассислар шундай уруғчилик фидойилари билан бамаслаҳат иш юритсалар, фақат фойда бўлар эди.

Яхшибоев кеч куздаёқ уруғлик чигит экиладиган майдонларга алоҳида ишлов беради. Ерга белгиланган даражада минерал ва маҳаллий ўғит солади. Айниқса, ҳар гектар майдонга уруғлик сарфлашни қатъий назорат қилади. Бу эса самарасини бермоқда.

Дунёдаги ривожланган мамлакатларда ҳар гектар майдонга 10-20 килограмм атрофида уруғлик сарфланади. Бизда-чи? Бу йил Фарғона вилояти бўйича 115 минг 300 гектар майдонга чигит экиш учун 11 минг тонна уруғлик тайёрлаш режалаштирилган. Шундан 8,5 минг тоннаси дориланади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар хил табиий офатлар, кутилмаган талафотлар учун 2,5 минг тонна заҳира ҳозирланаяпти. Хўш, бу ҳар гектар майдонга неча килограммдан тўғри келади? Агар режага нисбатан тайёрланган уруғ сарфланса, 95 килограммдан, дориланган чигитнинг ўзигина экилса, 74 килограммдан тўғри келади. Вилоят бўйича амалда эса бултур бир гектар ерга 106 килограммдан уруғ сарфланган.

Бунинг нимаси яхши-ю, нимаси ёмон? Кўпроқ чигит ташланса, деҳқоннинг кўнгли тўқ бўлади. Яганада энг бақувват, йирик кўчатни танлаб олиш имконияти туғилади. Афсуски, деҳқонларимиз ҳамон «Чигит чиқмай қилса-чи?» деган ваҳимадан қутула олишмаяпти. 10 килограмм чигит экилган майдонда бодраб 1 миллионта, ҳатто ундан ҳам кўп кўчат униб чиқади. Деҳқонга режадаги ҳосилни олиш учун эса шу кўчатларнинг 10 фоизигина етарли. Бошқача қилиб айтганда, ҳар ўн туп кўчатдан 9 таси бир ой ичида ягана қилиб ташланади.

Энди шу чилпиб ташланадиган 90 фоиз кўчатнинг қандай озуқаларга шерик бўлаётганлигини бир ҳисоб-китоб қилиб чиқайлик. Водийда ғўзанинг чинбарги чиққанда, яъни ниҳол кўкаргандан кейин бир ой ўтгач, ягана қилиш урф бўлган. Экишдан олдин йиллик ўғит миқдорининг 60-70 фоизи ерга солинади. Шу бир ой ичида кейинчалик юлиб ташланадиган кўчатлар ердаги минерал, маданий ўғитлар билан тенгма-тенг озиқланади. Ўз-ўзидан энг зарур озуқаларнинг анчагина қисми ҳавога совурилади. Хитой, Исроил сингари мамлакатларда эса ғўза униб чиққач, ўн беш кун ичида яганалаш тугалланар экан. Балки уруғлик чигитлар таркибида мойнинг камлиги, калий моддаларининг етишмаслиги, шу туфайли чигитнинг унувчанлик қобилияти ёмонлашиб бораётганлиги сабабини шу ердан излаш лозимдир?

Яна бир муаммо. Ортиқча кўчатлар пахта таннархига қай даражада таъсир кўрсатмоқда? Деҳқонлар ўтган йили бир килограмм 1-нав уруғлик чигитни 137 сўмдан, 2-навни 108 сўмдан, 3-навни эса 79 сўмдан сотиб олишганди. Бу йил эса 1-нав чигит 206 сўмдан, 2-нав 163 сўмдан, 3-нав 119 сўмдан харид қилинади. Агар бир гектар майдонга 100 килограмм 2-нав уруғ ташланса, бу — 16-17 минг сўм харажат, дегани. Ана шу кўчатнинг 90 фоизи ягана қилиб ташланса, билингки, яна 13-14 минг сўм маблағ ҳавога совурилади. Биз ҳали уруғликни ивитиш, экиш пайтида исроф бўладиган 15-20 фоиз чигитни бу харажатларга қўшаётганимиз йўқ. Аммо бир нарса аниқ: ўртача 500 гектар ерга чигит экадиган хўжаликларда ўз-ўзидан 600-700 минг сўм маблағ кўкламдаёқ беҳудага сарфланаётир.

Бозор иқтисодиёти аниқ, пухта ишланган ҳисоб-китобни хуш кўради. Шунинг учун деҳқонларимиз ерга чигит ташлаётганда, дастлаб унинг харажатларини пировард натижадан олинадиган даромадга қараб ҳисоб-китоб қилишса, анча фойдали бўлар эди.

Мана, қиш чилласи ҳам ортда қолди. Ҳадемай, ариқ бўйлари, уват четларида бойчечаклар бўй чўзади. Далалар секин-аста қиш уйқусидан уйғона бошлади. Деҳқон кетмонини елкага ташлаб далага чиқди. Шунда унинг кўнгли, аввало, экиладиган уруғликдан тўқ бўлиши зарур. Чунки кузда ғалвир сувдан кўтарилганда, биринчи навбатда деҳқоннинг юзи ёруғ бўлиши шунга боғлиқдир.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

